

## Азоннинг фазилати

14:09 / 09.11.2019 4162

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Агар инсонлар азон билан биринчи сафда нима борлигини билганларида, чек ташлаб бўлса ҳам, унга эришар эдилар»,** деб айтдилар.

*Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Қачон намозга азон айтилса, шайтон орқасидан ел чиқариб, то азон эшитилмайдиган ергача қочади»,** дедилар.

*Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.*

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***